

Халқаро савдони соддалаштиришда ЖСТ битим ва келишувларининг роли ва аҳамияти

Божхона институти

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети,
“Махсус фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси,
б/х подполковниги И.Д.Тораходжаева

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёнининг давлатимиз учун нақадар муҳимлиги ҳамда бу борада ушбу ташкилотнинг халқаро савдони тартибга солувчи битим ва келишувларининг аҳамияти ҳамда ушбу халқаро нормаларни миллий қонунчиликка имплементацияси масалалари кенг ёритилган.

Калит сўзлар: Халқаро савдони соддалаштириш, Жаҳон Савдо Ташкилоти, глобаллашув, боғхона процедуралари, энг қулай давлат режими, Боғхона қиймати тўғрисидаги битим.

Халқаро савдони енгиллаштиришнинг асосий мақсади савдо харажатлари ва у билан боғлиқ операцияларнинг мураккаблигини камайтириш ҳамда корхоналар учун халқаро савдо муҳитини яхшилашни таъминлашда муайян мамлакат давлат назоратининг самарадорлигини оширишдир. Савдони осонлаштириш ҳукуматлар ва корхоналарга бевосита фойда келтиради, яъни даромаднинг ошиши, иқтисодий самарадорлик, хавфсизликни кучайтириш шунингдек товарларни тезроқ етказиб бериш ва харажатларни камайтириш каби муҳим омиллар амалга оширилади.


Бу борада ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар, хусусан ЖСТ халқаро савдо тизимини яратиш, тарифларни қисқартириш ҳамда эркин савдо сиёсатига ўтишда салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

ЖСТ битим ва келишувлари кенг миқёсли ва комплекслидир, чунки улар кенг доирада жаҳон савдоси масалаларини қамраб олувчи юридик ҳужжатлар ҳисобланади. Шунингдек улар савдони осонлаштиришнинг муҳим воситалари бўлиб, савдони енгиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун мустақам ҳуқуқий ва меъёрий базани таъминлайдилар.

Барча битим ва келишувлар негизида бир нечта оддий фундаментал тамойиллар ётади, жумладан:

Мумкин қадар қулайлик бериш режими тамойили (ҚБР). ҚБР тамойилига биноан аъзо мамлакатларнинг ҳар бири ўзга барча аъзоларга савдо шериклари сифатида тенг шароитларни қўллаиди. Агар бирор-бир мамлакат ўзга савдо шеригига имконият берса, у ҳолда худди шундай режим ЖСТ бошқа аъзо мамлакатларига ҳам мазкур тамойилнинг ишлашини таъминлаш учун қўлланилиши шарт.

Истисноларни қўллашга ижозат берилади. Масалан, мамлакатлар шу гуруҳлардан ташқарида товарлар савдосини амалга оширишга қўлланилмайдиган минтақавий битимлар тузишлари мумкин. Ёки бўлмаса мамлакат савдони ноқонуний йўллар билан амалга оширувчи муайян давлат товарларига тўсиқ қўйиши мумкин. Хизматлар кўрсатиш бўйича ҳам мамлакатлар муайян чеклашларга риоя этишда истисноларни қўллашлари мумкин. Битимлар бундай истисноларни қўллашга изн беради, бироқ белгиланган муайян шартларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши ЖСТ томонидан назорат қилинади. Умуман олганда, ҚБР тамойили ЖСТ қоида ва тартибларини белгилашда устун туради.



Дискриминациясиз савдо. Мамлакат ўз савдо шериклари ҳамда хорижий товарлар, хизматлар ва шахслар ўртасида дискриминация ўтказмаслиги керак.

Савдо тўсиқларини бартараф этиш. Музокаралар ўтказиш орқали мавжуд савдо тўсиқларини аста-секин бартараф этиш ЖСТ ҳукукий нормаларининг асосидир.

Башорат этиладиган савдо. Хорижий инвесторлар, компания ва ҳукуматлар савдо тўсиқлари (жумладан тарифлар, нотариф тўсиқлари ва бошқалар) асоссиз жорий этилмаслигига ишонч ҳосил қилишлари шарт ва бозорни эркинлаштириш мажбуриятлари ЖСТга боғланади.

Рақобатбардошликни такомиллаштириш. Бу тамойилга асосан ЖСТ қоидалари экспортни субсидиялаш ва демпинг каби «адолатсиз» фаолиятларга тўсқинлик қилади.

Етарли даражада ривожланмаган давлатлар учун қулай шарт-шароитлар. Етарли даража ривожланмаган давлатлар учун ўтиш даври ва махсус режимлар такдим этиш ЖСТ битим ва келишувлари учун муҳим жиҳат ҳисобланади.

ЖСТнинг энг муҳим халқаро конвенциялари қуйидагилардир:


- Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенция (Чикаго конвенцияси), 1944 йил;
 - Халқаро денгиз навигациясини осонлаштириш бўйича конвенция (ФАЛ конвенцияси), 1965 йил;
 - Халқаро ҳавода ташишнинг айрим қоидаларини бирлаштириш тўғрисидаги конвенция (Монреал конвенцияси), 1999 йил;
 - ТИР карнети бўйича халқаро юк ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси (ТИР конвенцияси), 1975 йил;
 - Осиё ва Тинч океанида трансчегаравий қўғозсиз савдони осонлаштириш бўйича доиравий битим, 2018 йил;
 - Товарлар чегара назоратини уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция, 1982 йил;
 - Уйғунлаштирилган тизим тўғрисидаги халқаро конвенция (Уйғунлаштирилган тизим конвенцияси), 1988 йил;
 - Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича халқаро конвенция (қайта кўриб чиқилган Киото конвенцияси), 1999 й;
 - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро шартномаларда электрон алоқалардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияси (Электрон алоқа конвенцияси), 2005 йил;
- Юқоридаги конвенциялар билан бирга ЖСТ нинг келишув ва битимлари халқаро савдони ҳар томонлама енгиллаштириш ва уйғунлаштиришда алоҳида ўринга эга. Шундай экан, улардан айримларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш бу борадаги билимларимизни янада чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда хизматларнинг жаҳон экспорти тахминан бир триллион долларни ташкил этади, бу бутун жаҳон экспортининг 20 фоизини¹ ташкил қилади. Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши туфайли хизматларнинг халқаро савдоси фаол ривожланмоқда ва унинг даражаси яқин ўн йилликда товарлар савдоси даражасидан ошиб кетиши кузатилмоқда.

Кўп томонлама савдо музокараларининг Уругвай раунди доирасида “Хизматлар савдоси бўйича” Бош келишув имзоланди. Ушбу битим хизматлар савдосига нисбатан ГАТТ/ЖСТ тизимининг товарлар савдоси асосларида белгиланган тамойиллар фарқ қилади.

ГАТС қуйидагилардан ташкил топган:

¹ www.wto.com



- хизматлар савдосига таъсир қилувчи чора-тадбирларга нисбатан қўлланиладиган асосий тамойиллар, қоидалар, муайян тармоқлар учун қоидалар ва тамойилларни белгиловчи иловалар;

- ҳар бир давлатнинг ўзига хос мажбуриятлари рўйхатида санаб ўтилган хизматлар секторлари ва кичик тармоқларида хорижий хизмат кўрсатувчи провайдерлар учун ўз бозорларига киришни либераллаштириш бўйича мамлакатларнинг мажбуриятлари.

Ушбу келишувнинг муҳим жиҳатларидан бири энг қулай давлат режимини (ЭҚДР) қўллаш принципи бўлиб, унга кўра худди товарлар савдоси соҳасида бўлгани каби, давлат томонидан тақдим этиладиган хизматлар бозорига кириш режими барча иштирокчи мамлакатларга нисбатан қўлланилиши керак. Товарлар савдоси соҳасида бўлгани каби, минтақавий ҳамкорлик доирасидаги мамлакатларнинг имтиёзли муносабатлари туфайли ЭҚДР дан имтиёзларга йўл қўйилади. Бундай имтиёзни қўллаш тартиби ГАТС иловаси II-моддасига асосан белгиланган.

Юқоридаги тамойил билан бирга миллий режим тамойили ҳам аҳамиятга эга. Хизматларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, миллий тартибга солиш қўпинча маҳаллий хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишнинг ягона йўли ҳисобланади, шунинг учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кўрсатиладиган эътибор хорижий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан яхшироқ бўлиши мумкин. Аммо бу шартлар музокаралар давомида келишилади ва аниқ мажбуриятлар рўйхатида белгиланади. Иштирокчи давлатларнинг муайян мажбуриятларига оид иловалар Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.


ЖСТнинг асосий мақсадларидан бири аниқ, барқарор ва башорат қилинадиган савдо майдонини яратишдир, бу эса ЖСТга аъзо мамлакатлар томонидан олиб борилаётган савдо сиёсатини қайта кўриб чиқишнинг белгиланган механизми мумкин эмас. 1988 йил декабр ойида бундай механизмни яратиш бўйича келишувга эришилди ҳамда **“Савдо сиёсатини кўриб чиқиш механизми” бўйича Келишув** имзоланди. Дастлаб, савдо сиёсати шарҳлари фақат товар савдоси соҳасини қамраб олди. Уругвай раунд савдо сиёсатини кўриб чиқиш механизми тўғрисидаги келишув хизматлар ва интеллектуал мулкни ўз ичига олган ҳолда кўриб чиқиш механизми кўламини кенгайтди. Битим ЖСТ Бош кенгашининг функцияларидан бири бўлган Савдо сиёсатини кўриб чиқиш бўйича махсус органни яратди.

Яна бир муҳим келишувлардан бўлган **“Импорт лицензиялаш тартиб-қоидалари тўғрисида” ги Битим** импортда автоматик ва автоматик бўлмаган лицензиялаш имконини беради.

Лицензиялар асосан лицензиялаш тўғрисидаги низомда кўрсатилган битта маъмурий орган томонидан берилиши керак бўлсада, келишувга асосан ҳар бир аъзо мамлакатнинг бу борада ваколатлари мавжуд.

ЖСТ нинг кейинги муҳим келишувларидан яна бири бу **“Божхона қийматини аниқлаш тўғрисида” ги Битим** ҳисобланади. ГАТТ-1994 VII- моддасини қўллаш тўғрисидаги битим (Божхона қиймати тўғрисидаги битим деб аталади) музокараларнинг Уругвай раунди давомида қабул қилинган ҳужжатлар пакетининг бир қисмидир. Келишувда товарларни олиб киришда ундириладиган божхона тўловлари ва солиқлар суммасини ҳисоблаш мақсадида товарлар қийматини аниқлаш қоидалари белгиланган. Унга мувофиқ, божхона қийматини аниқлашнинг асосий усули битим қиймати ҳисобланади, яъни божхона қиймати товар учун тўланган ёки тўланиши лозим бўлган ҳақиқий нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Божхона қийматини аниқлаш товарларни божхона расмийлаштируви жараёнининг марказий бўғини ҳисобланади. Импорт қилинадиган товарларнинг



божхона қийматини аниқлаш методологияси 1994 йилдаги Тарифлар ва савдо тўғрисидаги Бош битимнинг VII-моддасини қўллаш тўғрисидаги битим (Божхона қиймати тўғрисидаги битим - БҚТБ) билан белгиланади.

ЖСТ нинг халқаро ҳуқуқий меъёрлари ичида **“Савдони енгиллаштириш тўғрисидаги” (ССТБ) халқаро битим** халқаро савдони тартибга солишда ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу битим ЖСТ келишувларининг энг сўнггиси ва Доҳа раундидаги савдо музокараларининг биринчи натижасидир. Ўн йиллик музокаралардан сўнг ЖСТга аъзо давлатлар 9-чи вазирлар конференциясида Савдони соддалаштириш тўғрисидаги Битим матнини 2013 йил 3-6 декабрь кунлари Балида қабул қилдилар.


ЖСТнинг ушбу келишуви савдони осонлаштириш учун янги ҳуқуқий асосни тақдим этади ва ЖСТнинг қайта кўриб чиқилган Киото конвенцияси ёки ТИР конвенцияси каби савдони енгиллаштириш бўйича бошқа мавжуд воситаларни тўлдиради. Битим маъмурий тартиб-қоидалар, чегара назорати ва ҳужжат талаблари билан боғлиқ кечикишлар ва харажатларни камайтириш, шунингдек, прогнозлаштиришни ошириш ҳамда маъмурий амалиётни модернизация қилиш учун ишлаб чиқилган. Битимнинг расмий кучга кириши ЖСТга аъзоларнинг 2/3 қисми 2014-йил 27-ноябрда Бош кенгаш (ЖК) томонидан қабул қилинган ЖСТни таъсис этиш тўғрисидаги Марракеш келишувига (ЖСТ келишувига) ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Протоколни қабул қилганидан кейингина рўй берди ва 2017-йил 22-февралда кучга кирди.

Савдони соддалаштириш тўғрисидаги битим божхона тартиб-таомилларини максимал даражада соддалаштириш ва унификация қилишга қаратилган. Асосий мақсадлардан бири товарларни чегаралар орқали олиб ўтилишини тезлаштириш, шунингдек, савдо ва хўжалик операцияларининг шаффофлиги ва прогнозлилигини оширишдан иборат.

Доҳа вазирлар декларациясининг №27 музокаралар мандатига мувофиқ, Битим 1994 йилги ГАТТ нинг VII, VIII ва X моддаларининг тегишли жиҳатларини, шу жумладан товарларнинг айланишини, чиқарилишини ва расмийлаштирилишини янада тезлаштириш мақсадини аниқлайди ва такомиллаштиради. Шунингдек “транзит товарлар”, “аъзо давлатлар ўртасида савдони осонлаштириш ва божхона назорати бўйича самарали ҳамкорлик”ни рағбатлантириш ҳамда ривожланаётган ва кам ривожланган аъзо давлатлар учун “ёрдам ва салоҳиятни оширишни қўллаб-қувватлаш”ни кучайтиришни назарда тутган.

ЖСТ нинг яна бир муҳим халқаро битимларидан бири бу **“Интеллектуал мулк ҳуқуқлари тўғрисида” ги Битимдир**. Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо-сотик билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги битим (ТРИПС) интеллектуал мулк масалаларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ соҳасини ҳамда ГАТТ/ЖСТ тизимининг асосий тамойилларини ҳам ўз ичига олган ҳуқуқий базани яратади. Шунинг таъкидлаш кераки, ЖСТга аъзо давлатлар энг муҳим келишувларига (масалан, саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича 1967 йилдаги Париж конвенцияси; 1971 йилдаги адабий ва санъат асарларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси) аъзо бўлмаганлар ТРИПСга мувофиқ ушбу халқаро шартномаларга қўшилишлари шарт. Бундан ташқари, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг барча турлари бўйича битим қоидалари барча иштирокчи мамлакатлар учун мажбурийдир. Бундай ёндашув мамлакатнинг тегишли халқаро шартнома иштирокчиси бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, ҳуқуқий режимнинг бирлигини таъминлайди.

Ушбу келишув интеллектуал мулкка нисбатан ЖСТ доирасида низоларни ҳал этишнинг юқори самарали механизмларидан фойдаланиш имкониятини очиб беради.



ИМХТ битим, биринчи навбатда, унда иштирок этмоқчи бўлган мамлакатлар томонидан “Адабий ва санъат асарларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси” нинг барча муҳим қоидаларини амалга оширишни назарда тутди. Бундан ташқари, битим халқаро муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор янги қоидаларни ўз ичига олади.

Юқоридаги ЖСТ битимларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан 2023 йил 2 июнь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ги ПҚ-181-сонли қарор қабул қилинган бўлиб, унга кўра миллий қонунчиликни ЖСТ битим, қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш бўйича Адлия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган таклифларни кўриб чиқиш ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан қарорлар қабул қилиш юзасидан топшириқлар берилди. Шунингдек қарорга асосан 2023 йил 1 июлдан бошлаб ЖСТ қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг ЖСТ га аъзолик жараёнида давлатимизда амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ушбу қадам юртимиз учун нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг ЖСТ ва халқаро савдо тизимида интеграциялашуви барқарор ва олдиндан кўриш ҳамда режалаштириш имконини берадиган савдо тизимида ўзининг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини яратади.

ЖСТга аъзо бўлиш мамлакатимиз учун қуйидаги имкониятларни бериши мумкин:

Биринчидан, ташқи савдони қулай шароитда амалга ошириш учун имкониятлар яратилади, яъни қишлоқ хўжалик ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда кимё саноати маҳсулотлари экспортини сезиларли даражада ошиш имконияти яратилади.

Иккинчидан, ЖСТга аъзо бўлган барча мамлакатлар ҳудудидан транспорт воситасида эркин ҳаракатланиш имконият яратилади.

Учинчидан, денгизга чиқишда ЖСТга аъзо мамлакатлар ҳудуди орқали эркин ҳаракатланиш учун шароитлар яратилади.

Тўртинчидан, халқнинг турмуш даражасини яхшилашга туртки берилади ҳамда инсонларга янада сифатли маҳсулот етказиб бериш имконияти вужудга келади.

Бешинчидан, меҳнат бандлигига ижобий таъсир этилади.

Олтинчидан, божхона, тариф, солиқ ва валюта сиёсатининг халқаро талаблар асосида иқтисодий интеграцияга тўсқинлик қилувчи муаммоларини бартараф этиш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, катта ҳажмда чет эл инвестицияларини ва турли ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг юқори даражада иш билан бандлиги (ишлаб чиқариш ёки саноатнинг бошқа сердаромад соҳаларида)га эришилади. ЖСТга аъзо бўлиш билан ноқонуний сотилаётган сифатсиз маҳсулотлардан истеъмолчиларни ҳимоя қилиш учун шароит туғилади.